



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 22 декабрь, № 257 (6951)

Жума

Сайтимицага ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚИРГИЗИСТОН ЖОГОРКУ КЕНЕШИ СПИКЕРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 декабрь куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши спикери Достонбек Жумабековни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни самийи қутлар экан, Қирғизистон парламенти нуфузли делегациясининг мазкур ташрифи жорий йил Тошкент ва Бишкек шаҳарларида бўлиб ўтган олий даражадаги самарали учрашувларнинг манتيқий давоми эканини алоҳида таъкидла-

ди. Шунингдек, бу давлатларимиз ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганини яққол тасдиқлади. Томонларнинг амалий ҳамкорлигини ривожлантиришга бўлган қатъий сиёсий

иродаси, турли даражадаги алоқалар ва ташрифлар фаоллашгани қисқа муддатларда салмоқли натижаларга эришиш ва ўзаро муносабатларни янада амалий мазмун билан бойитиш имконини бергани алоҳида қайд этилди.

Мамлакатларимиз биргаликдаги сайёҳаракатлари билан халқларимизнинг бир-бирига бориб-келишлари учун қулай шартношлар яратилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳамми жадал ортмоқда, худудлар ва саноат корхоналари ўртасида кооперация алоқалари мустаҳкамланмоқда, транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорлик ривожланмоқда. Бизнес ва маданий тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ва Қирғизистон парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Олий даражадаги ташрифлар чоғида эришилган келишувлар ва имзоланган битимлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши ўртасида имзоланган Меморандумнинг амалий ижроси доирасида қўшма тадбирлар ўтказилаётгани чуқур мамнуният билан қайд этилди.

Парламентларо ҳамкорликнинг амалдаги механизмлари салоҳиятидан фойдаланган ҳолда, мунтазам ва тизимли алоқаларни кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши спикери Достонбек Жумабеков Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самийи қабул ва мазмунли суҳбат учун миннатдорлик билдирди.

Меҳмон Ўзбекистонда барча соҳалар, жумладан, парламент ва фуқаролик жамияти ўрнини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган таркибий ўзгариш ва ислохотларнинг янги босқичини юксак баҳолади.

Қирғизистон Ўзбекистон билан дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги ҳамкорликка тайёр экани таъкидланди.

Ў.А.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 6 октябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Август ойининг иккинчи яшанбаси Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини белгилансин.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2017 йил 21 декабрь № ҲРҚ—450

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йил 27 апрель куни Жиззах вилоятига ташрифи давомида воҳода амалга оширилаётган бир қатор йирик лойиҳалар билан танишаркан, уларнинг нафақат худуд, балки мамлакатимиз иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳамда экспорт салоҳиятини юксалтиришдаги муҳим аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган эди.

## Жиззах вилояти: Қурилиш саноатида йирик лойиҳа

юртимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади

Албатта, бунга жохон бозориди Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга талаб ортаётгани билан изохлаш мумкин. Ана шундай шартношда давлат томонидан маҳаллий тадбиркорлар ва хорижий инвесторларга қулай ишбилармонлик муҳити яратиш берилган муваффақиятлар учун мустаҳкам асос бўлмоқда.

Кунини кеча Фориш туманининг Эғизбулоқ қишлоғида фаолият бошлаган масъулия чекланган жамият шаклидаги "Mega invest industrial" Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси ҳам ана шундай кенг имкониятлар самарасидир. Лойиҳа қиймати 51,8 миллион АҚШ долларига тенг мазкур саноат субъекти бунёдкорлик жараёнида кенг қўлланмадан минерал тоғалар ҳамда полимер елимлар асосида кўп мақсадли композит арматуралар тайёрлашга ихтисослаштирилган.

— Илғор русумдаги ускуна ва жиҳозларимиз Россия, Туркия, Германия, Австрия каби давлатларда

(Давоми 3-бетда).

## Энергетик ҳалқа тизим самарадорлигини оширади

Жорий йилнинг 15 декабридан эътиборан Қирғизистон Республикаси мамлакатимизга электр энергияси етказиб бера бошлади. Қирғизистон миллий электр тармоқлари томонидан тақдим қилинган ушбу ресурс миқдори ҳозирги вақтда 3,7 миллион кВт.соатни ташкил этиб, бу кўрсаткичнинг босқичма-босқич ошириб бориш кўзда тутилган.

Икки мамлакат Президентларининг олий даражадаги учрашувлари чоғида эришилган келишувлар Ўзбекистон ҳамда Қирғизистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва худудларо ҳамкорлигини ривожлантириш, транспорт-коммуникация, саноат, қишлоқ хўжалиги масалалари, шу жумладан, сув-энергетика тармоғини ривожлантириш борасидаги ишларни ҳам янада фаоллаштирди. Хусусан, шу йилнинг 5 октябрида пойтахтимизда

(Давоми 3-бетда).

## Достонбек ЖУМАБЕКОВ: МАМЛАКАТЛАРИМИЗ ҲАМКОРЛИГИ МАВЖУД САЛОҲИЯТ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик жорий йилда ҳар томонлама мустаҳкамланди. Жумладан, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи чоғида Парламентларо ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенешини икки томонлама алоқалар бўйича парламент гуруҳлари тузилди.

Мамлакатимизга ташриф билан келган Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши спикери Достонбек ЖУМАБЕКОВ давлатимиз раҳбари билан мулоқотдан сўнг Ў.А. муҳбирига икки томонлама ҳамкорлик ҳақидаги фикрларини билдирди: — Президент Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинганимизни юксак қадрлаймиз. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга бўлган интилиш ифодасидир. Энг тўғри гапни Шавкат Мирзиёев айтди: бу йил Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатлари ривожига тарихий йил бўлди. Тўсиқлар олиб ташланди, ҳамкорликка кенг имкониятлар

очилди. Келгуси йилларда мамлакатларимиз ҳамкорлиги мавжуд салоҳият даражасига кўтарилишига ишонамиз. Учрашувда бунинг учун парламентлар ўзаро дўстликни мустаҳкамлаш, ҳукуматлар ақин томонлама ишлаши зарурлиги таъкидланди. Биз ҳам ўзбекистонлик шерикларимиз билан тез-тез учрашиб туриш, имзоланган ҳужжатларни ратификация қилиш ва амалга ошириш бўйича келишиб олдик. Халқларимиз ҳамжиҳатлиги янада мустаҳкамланиши, фаровонлиги изчил олиб боришини тилайман.

А. САМАДОВ, Ў.А. муҳбири.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2017 йил 21 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томоққа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис Сенатига киритилган 2018 йилда фермер хўжаликларини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантириш бўйича Дастур тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, ушбу дастур Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томоққа ер эгалари кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Марказий банк,

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқоридида қайд этилган Фармонда ҳамда 2017 йил 10 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томоққа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарориди қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган. Худудий дастурлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан тасдиқланган.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича 2018 йилга мўлжалланган худудий дастурларга мувофиқ мамлакатнинг 21 634 та фермер хўжалигида кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўйиш бўйича 22 986 та лойиҳа амалга ошири-

лади. Хусусан, кўп тармоқли фермер хўжаликлари томонидан 7,4 минг гектар майдонда интенсив боғлар, 4,3 минг гектар майдонда янги узумзорлар ва 844 гектар майдонда иссиқхоналар яратилди.

Шунингдек, 520 та фермер хўжалигида мева-сабзавот, гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйиш, 785 та фермер хўжалигида ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бошлаш, 370 та фермер хўжалигида рефрижератор оғирлар қуриш, 3,9 минг фермер хўжалигида чорвачилик ва паррандачиликни, 2,3 минг фермер хўжалигида балиқчилик ва асаларичиликни, 2,1 минг фермер хўжалигида қўйчилик, эчкичилик ва қўнчиликни, 171 та фермер хўжалигида йилкичиликни ва қурқаччиликни йўлга қўйиш бўйича лойиҳаларни, шунингдек, 6732 та фермер хўжалигида сервис хизматларини ташкил этиш бўйича 8 мингта лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда).

## Талабчанлик, масъулият ва ташаббускорлик

ислохотлар жараёнида сенаторлар фаолиятининг асосий мезонига айланиши зарур

Парламентимиз юқори палатасининг ўн учинчи ялпи мажлисида сенаторлар ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий негизларини такомиллаштиришга қаратилган қонуларни кўриб чиқишди. Шу билан бирга, уларни кенг тарғиб қилиш, ижро этилиши устидан парламент

назоратини қучайтириш, унинг самарали механизмларидан фойдаланиш бўйича Сенат аъзолари олдида турган вазифалар белгилаб олинди. Муҳбиримиз кўриб чиқилган масалаларнинг нечоғли аҳамиятга эгаллиги ҳақида уларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Толибжон МАДУМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари:

— Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир нуқтасида ҳаёт қайнамоқда. Жа-

мият ҳамда давлат ҳаётининг барча жабҳасини қамраб олган ўзгаришлар, янгиликлар одамларимиз турмуш сифатини яхшилаб, уларнинг ҳаётдан рози бўлишига замин яратяпти. Ҳўш, Сенат аъзоларининг ушбу тархий жараёнда иштиро-

ки қай даражада бўлмоқда, халқ фаровонлиги ва юрт тараққиётига мурошиб ҳисса қўйиш, шу орқали ўз бурчини адо этиш учун нималарга эътибор қаратиш зарур?

(Давоми 2-бетда).

## Дўстона алоқалар кенгаймоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатиди Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеши спикери Д. Жумабеков бошчилигидаги Қирғизистон Республикаси парламент делегацияси билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Уларда икки томонлама парламентларо алоқаларининг, шунингдек, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, уларни янада ривожлантириш истиқболлари атрофида муҳокама қилинди.

Мулоқотларда таъкидланганидек, ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳамда Қирғизистон ҳамкорлиги турли йўналишларни қамраб олган ҳолда, жадал раванқ топмоқда.

(Давоми 3-бетда).

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

2018 йил учун тасдиқланган лойиҳаларни амалга ошириш учун республика бўйича 1 603 миллиард сўм маблағ сарфланиши белги-ланган. Шундан 608,8 миллиард сўми тижорат банк-лари кредитлари ҳисобига амалга оширилади. Энг асосийси, қишлоқ жойлар-да 83 567 та янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Сенаторлар 2018 йилда фермер хўжалиқларини бос-қичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжалиқларига ай-лантириш бўйича дастурни маъқуллади ва бу соҳада-ги устувор вазифаларни ўз вақтида сифатли бажариш бўйича тизимли ишларни я-нада кучайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Шундан сўнг сенаторлар ялпи мажлис кун тартибид-ги навбатдаги масалани кўриб чиқишга киришди. Сенаторлар Ўзбекистон Рес-публикаси ички ишлар вази-рининг ички ишлар орган-ларининг жиноятчиликка қар-ши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги

фаолияти тўғрисидаги ахбо-ротини эшитдилар.

Бугунги кунда мамлакат-мизда аҳоли тинч ва осойиш-лаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашишга доир қатор чора-тадбирлар амалга оши-рилмоқда.

Ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асо-ларини мустаҳкамлаш, ички ишлар органлари ходимлари-нинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида ўтган давр мобайнида 2 та Қонун, Президентнинг 22 та қарори, Вазирлар Маҳкамаси-нинг 30 та қарори ва бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилин-ди. Шунингдек, ички ишлар органларининг аҳолига яқин-лигини таъминлаш ва ички ишлар органлари (бўлимлари) бошқармаларидан узоқда жойлашган аҳоли пунктлари-да фуқароларга қулайликлар яратиш бўйича мақсадида ички ишларнинг қўшимча ра-вишда 175 та шахар бўлими (бўлимаси) ва 824 та мили-ция таянч пункти ташкил этилди.

Ўтган даврда ички ишлар

органларида ҳоким-ликлар, прокуратура ва кенг жамоатчилик вакиллари билан биргаликда ҳар бир маҳалладаги ишлар ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг эрта олдини олиш, салбий ҳатти-ҳаракатларни содир этиш учун ша-роит яратишга асосланган "ҳаракат-лар формуласи" асо-сида ташкил этилди.

Ички ишлар орган-ларининг куйи бўгин-ларини кучайтириш-га, маъмурий-ҳудуд-ий бириклар дои-расида тузилиб, фаолият юритаётган секторларда ишлар-ни самарали ташкил этишга, одамларни ташвиш-лантираётган муаммоларни ҳал қилиш ва ҳуқуқ-тартибот-ни мустаҳкамлашга жамоат-чиликни кенг жалб этиш орқали аҳолининг ишончини оқлашга қаратилган чора-тад-бирлар натижасида респу-блика ҳудудида жиноятларнинг сезиларли даражада камайи-шига эришилди.

Ички ишлар органлари ти-зимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, айрим раҳбар кадрлар ўтказ-илаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб етмай, ишларни эски-ча олиб бормоқда. Натижада бир қанча минтақаларда оғир ва ўта оғир жиноятлар, шу-нингдек, қидирувда бўлган шахслар сони ортмоқда.

Муҳокама чоғида сенато-рлар сабабсиз дарс қолди-раётган ўқувчиларни ва тарбияси оғир вояга етмаган-ларни аниқлаш, уларга нис-батан бевосита мактаб, кол-леж, лицей ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган-ларида таълим муассасалари ўқитувчилари, ота-оналар иш-тирокида таъсирчан тарбия-вий ва профилактика ишлар-ни уюштириш учун профи-лактика инспекторларининг шахсий масъулиятини оши-риш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, фуқаролар то-монидан жойлардаги ички ишлар органларига мурожа-атларда кўтарилаётган муам-моларни ўз вақтида ҳал қилишга эътибор қаратиш ҳам зарур.

Муҳокама давомида сена-торлар томонидан ички иш-лар органлари фаолиятининг самарадорлигини янада оши-ришга қаратилган аниқ так-лифлар ва тавсиялар билди-



Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

рилди. Хусусан, профилакти-ка инспекторларига яратил-ган қўлай имкониятни шарт-шароитларни сақлаб қолиш, хизматни самарали амалга ошириш учун уларга кенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш, шу жум-ладан, уларга хизматни ўташ ҳудудларида хизмат уй-лари ажратиш ҳамда имтиёз-ли кредит асосида автомаши-на харид қилиш имкониятини бериш борасида ҳуқуқат то-монидан қўрилаётган ишлар-ни янада кучайтириш муҳим-лиги қайд этилди. Соҳада амалга оширилаётган шу ва бошқа бир қатор чора-тад-бирлар профилактика инспек-торлари самарали хизмат кўрсатиши учун муҳим оми-лдир.

Муҳокама якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра сенаторлар томони-дан Ўзбекистон Респу-бликаси Таълим вази-рининг миллий қонун ҳужжат-лари талабларини ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзе-бекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта у-стувор йўналиши бўйича Ҳара-катлар стратегиясидан келиб чиқадиган вазифаларни бажари-ш борасидаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти эшитил-ди ва муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, қисқа вақт ичида Ўзбекистон ташки-сий фаолиятида катта иш-лар амалга оширилди. Ўзе-бекистон томонидан хорижий давлатлар билан, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан олиб борилаётган очик, амалий, ўзаро манфаатли ташки сийёсат бутун Марказий Осиё минтақаси учун муҳим

аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди. Қўшни мамлакатлар билан муносабатларда тамо-лила янги сийёсий муҳит қоралар топтиришга, сийёсий ишонч даражасини янада оширишга ҳамда ҳамкорлик-нинг кўпгина соҳаларида юқори натижаларга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси-нинг Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида қўшни мамлакатлар билан давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш ҳамда сув-энергетика муам-моларини ҳал этиш борасида музокаралар жараёни анча жумланди.

Бугунги кунда ташки сий-сат хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий, инвести-циявий ҳамкорлик ва туризм-ни ривожлантириш бўйича аниқ вазифаларни ҳал қилиш-га қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, ҳисо-бот даврида мамлакатимиз ташки сийёсий ва ташки иқтисо-дий фаолияти даражада ошди. Жумладан, йил давомида олий даража-да 22 та ўзаро ташриф амал-га оширилди, 60 дан ортқ халқаро ва халқаро тузилма-лар раҳбарлари билан учра-шувлар ўтказилди. 400 га яқин ҳужжатлар, шу жумла-дан, 110 та халқаро шартно-ма — 21 таси давлатлар-раро, 48 таси ҳуқуқатлар-ро ва 41 таси идораларро ҳужжат, шунингдек, муассаса ва минтақалар ўртасида 61 та ҳужжат имзоланди. Давлати-миз раҳбарларининг ХХР, РФ, Туркия, АКШ, Жанубий Корея-га қилган ташрифлари тари-хий аҳамият касб этди. Ҳўжа-лик юритувчи субъектлар бил-лан савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда 60 миллиард АҚШ долларлик

200 дан ортқ шартномалар ва битимлар тузилди.

Икки томонлама келишув-ларни сўзсиз амалга ошириш учун савдо-иқтисодий, инвести-циявий, технологик, молия-техник, транспорт-коммуника-ция ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш бўйича 41 та "Йўл харитаси" тасдиқланди.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан умумий товар айланмаси жорий йил-нинг ўтган 10 ойи мобайнида 16,6 фоиз ошди ва 22 мил-лиард АҚШ долларидан зиёд-ни ташкил этди. Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-сотик қилиш бобида ижобий ўзгаришлар кузати-лмоқда.

Халқаро ташкилотлар (БМТ, ШҲТ, МДХ, ИҲТ) билан мулоқот янада самарали кеч-моқда. Ўзбекистон бир қатор халқаро тузилмалар билан алоқаларини тиклади. Улар-нинг имкониятларидан фой-даланиб, Ўзбекистон янги та-шаббусларни илгари сурди ва улар жаҳон ҳамжамияти то-монидан кенг маъқулланиб, қўллаб-қувватланди.

Шу билан бирга, вазирлик фаолиятида айрим муаммо ва камчиликлар қайд этилиб, уларни ҳал қилиш ва фаоли-ятини янада такомиллашти-ришга қаратилган зарур чор-алар кўрилиши талаб этил-моқда. Жумладан, ўткази-лаётган халқаро тадбирларни аниқ мазмун билан янада бойитиш, уларнинг самара-дорлигини ошириш ва эришилган келишувларнинг ижро этилиши устидан монито-рингни кучайтириш борасидаги ишларни жонлантириш зарур.

Сенаторлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Таъки ишлар вази-рининг фаолиятини янада такомил-лаштиришга ва ҳисоботни эшитиш чоғида кўрсатилган мавжуд камчиликларни бартар-раф этишга қаратилган такли-ф ва тавсиялар билдирилди.

Муҳокама якунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра сенаторлар давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиш-тирувчи фермер хўжалиқ-ларининг таъминотчи, хизмат кўрсатувчи ҳамда бошқа таш-килотлар олдидаги қарздор-лигини келтириб чиқарувчи сабаблар тўғрисида Ўзе-бекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Э. Т. Мирзаевага юборилган парламент сўровига жавобни эшитдилар. Сенаторлар таъкидлаганидек, парламент сўровида кўтарилган масала-

ларни ҳал қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасида вази-рлик ва идоралар раҳ-барларидан таркиб топган ишчи гуруҳи тузилди. Муаммо-ни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра, ишчи гуруҳ томонидан чора-тад-бирлар дастури тасдиқланиб, унга мувофиқ тегишли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2017 йилги пахта ҳосили хом ашёсининг харид нархи 2016 йилдагига нисбатан 56 фоиз ошди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулот-ларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жағма-маси ташкил этилди. Ушбу Жа-марга томонидан 2017 йил ҳосили учун фермер хўжалиқ-лари харажатларини молия-лаштириш мақсадида 2 трил-лион 905 миллион сўм ёки 2016 йилдагига нисбатан 132 фоиз миқдорда имтиёз-ли кредитлар ажратилди.

Сўнгра сенаторлар Ўзе-бекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартириш-лар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг Грузиядаги Фақуллода ва мухтор элчиси лавозимига тайинлаш тўғрисидаги маса-лаларни ҳамда Сенат вакола-тига кирадиган бошқа қатор масалаларни кўриб чиқдилар.

Ўн учинчи ялпи мажлис да-вомида 26 та масала, шу жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган исло-хотларнинг самарадорлигини ошириш, халқаро ҳамкорлик-ни ривожлантириш, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожланти-ришнинг бешта устувор йўна-лиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оши-ришга қаратилган 15 та Қонун кўриб чиқилди. Таъкидлан-ганидек, сенаторлар томонидан қабул қилинган қарорлар халқаро ҳамкорликни кенгай-тиришнинг, мамлакатимиз те-варигида хавфсизлик муҳити-ни яратиш, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафо-латларини янада мустаҳкам-лашнинг, мамлакатимизда барқарорлик ва фаровонлик-ни таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси ўз ишни якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати

#### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар: — **Бахриддин Азимович НAIMOV** муддатсиз даврга **Дилбар Келдиёрова Исраилова** ўн йил мuddатга **Жанагул Исмаилова Балкибаева** мuddатсиз даврга **Муқаддас Зиядуллаева Гуламова** ўн йил мuddатга **Новруз Бабақуллович Раҳманов** ўн йил мuddатга **Туйғун Маматқуллович Курбанов** ўн йил мuddатга **Хуснора Тураджоновна ҲАКИМОВА** ўн йил мuddатга **Шухрат Зафарович САИДОВ** ўн йил мuddатга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимига сайлансин.
2. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан: **Ботирали Муродович ДИЁРОВ** Давлатмирза Казакджанович **КАМИЛОВ** Олим Бурневич **ҲАЙТОВ** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимидан озод этилсин.
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент шаҳри, 2017 йил 21 декабрь

# Талабчанлик, масъулият ва ташаббускорлик

ислохотлар жараёнида сенаторлар фаолиятининг асосий мезонига айланиши зарур

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

2017 йил барча соҳа қатори миллий парламентаризм ривожини ҳам мутлақо янги босқичга олиб чиққан давр бўлди. Айниқса, Президентимизнинг жорий йил 12 июлда парламент аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда сийёсий партиялар вакиллари билан ўтказилган видеоселектордаги маърузаси бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, қонун ижодкорлиги борасидаги фаолиятимиз ҳам сифат, ҳам самарадорлик жиҳатидан янги босқичга кўтарилди, назорат-таҳлил фаолияти кучайди. Халқ билан мулоқот асосида фуқароларни ташвишга солаётган муаммолар ечимини топишда кўмаклашиш сенаторларнинг қўндалди ишига айланди. Бирок халқ зиммасига юклатилган вазифаларни тўла рўбга чикараётимиз, дея олаймиз. Сенатнинг ўн учинчи ялпи мажлисида ишимизни танқидий-таҳлил қилган ҳолда, 2018 йилда уни янада яхшилашга оид устувор вазифаларни белгилаб олишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда, айниқса, давлатимиз раҳбарининг халқ манфаатларини, одамларнинг тинч ва осойишта ҳаётини ўйлаб амалга оши-раётган хайрли ишларига камарбаста бўлишимиз шарт.

Сенаторлар маҳаллий давлат ҳоким-ияти органларига, жойларда ташкил этилган секторларга худудларни ривожлантиришнинг долзарб вазифаларини ҳал қилишда, аҳолини ташвиш-лантираётган муаммолар ҳамда кам-чиликларни бартараф этишда амалий кўмак кўрсатиши ҳаётий заруратга ай-ланди. Бу эса сенаторлар фаолиятига

холис баҳо беришда асосий мезонлар-дан бири бўлиб қолади.

#### Анорбой ЭШМАТОВ, Жиззах вилояти фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси, сенатор:

— Мамлакатимизни истиқболда та-раққий топтириши кўзда тутувчи Ҳара-катлар стратегиясида фермер хўжалиқ-ларини рағбатлантириш ҳамда ривож-лантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш устувор вазифа сифатида бел-гиланган. Ушбу вазифаларни самара-ли ижро этиш ва қўзланган мақсад-ларга эришишда фермер хўжалиқлари фаолиятида қўшимча ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқларини ишга тушириш муҳим аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2018 — 2021 йилларда фермер хўжа-ликларини босқичма-босқич кўп тар-моқли фермер хўжалиқларига айлан-тиришга мазкур соҳани ривожланти-ришнинг устувор вазифаси сифатида қаралмоқда. Бу ташаббусни рўбга кичариш мақсадида 2018 йилда фермер хўжалиқларини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжалиқларига айлантириш дастури тайёрланди ва Сенат томонидан тасдиқланди.

Мен ҳам сенатор, ҳам фермерлар вакили сифатида айтишим мумкинки, шу йил фермерларга бўлган эътибор ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ бўлди. Фер-мерлар билан бевосита очик мулоқот-ча қилирилиб, уларни қизиқтираётган, ўйлантираётган, ҳатто қийнаётган мас-салалар ўрганилди. Улар меҳнатини муносиб баҳолаш ҳамда молиявий

барқарорлигини таъминлаш бўйича қўллаб амалий ишларга қўл урилди. Соҳа вакилларини қўллаб-қувват-лашга доир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Дастур ҳам ана шун-дай тизимли ишларнинг мантқий да-вомидир. Унга қура, келгуси йилда бир-гина Жиззах вилоятининг ўзида 2 минг-га яқин лойиҳалар амалга оширилиши ва 8,5 мингдан ортқ иш ўринлари яратилиши кутилмоқда. Эътиборлиси, белгиланган лойиҳалар Жиззах ша-роити ҳамда имкониятларига мос ке-лади. Умуман айтганда, дастур мақсад-лари худудлар имкониятидан келиб чиқиб белгиланган.

Таъкидлаш лозимки, бугун қўллаб со-ҳаларда бўлгани каби фермерларимиз-да ҳам ўз ишига танқидий-таҳлилий ёндашган ҳолда, истиқболда ривожла-ниш йўналишларини тўғри белгилаш кўнимаси мустаҳкамлаб бормоқда. Ушбу дастур мақсадлари бунинг яққол ифодасидир. Унинг қабул қилиниши фермерлик ҳаракатида янги даврни бошлаб беришига ишончим комил.

#### Очилди ХИДИРОВ, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сарийоси тумани кенгаши раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари, сенатор:

— Халқ билан мулоқот ва инсон ман-фаатлари йилида, энг аввало, ички иш-лар органлари ҳамда фуқаролар ўрта-сидаги ўзаро муносабатлар ёндашув туб-дан қайта кўриб чиқилиб, одамлар би-лан бевосита мулоқот ўрнатиш, улар-

нинг дарду ташвишлари, орзу-ниятла-ри, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яқши билиш, халқимизга муносиб хиз-мат қилиш ҳамда хавфсизликни кафо-латлаш каби масалаларга алоҳида эъти-бор қаратилмоқда. Тизимдаги муаммо ва камчиликлар Президентимиз раҳбар-лигида соҳа вакиллари, жамоатчилик иштирокида уч марта танқидий кўриб чиқилгани ҳам бунга яққол тасдиқлайди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси-да янги иш услубларини қўллаш, аҳоли ҳамда жамоатчилик билан яқин муло-қотни йўлга қўйиш, ички ишлар орган-лари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация техноло-гияларини кенг жорий қилиш фуқаро-лар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қону-ний манфаатларини муҳофаза этиш бо-расида ички ишлар органлари бутун тизими ва ҳар бир ходим фаолияти са-марадорлиги ошишига хизмат қилмоқ-да. Масалан, жорий йилда мамлакатим-изнинг 1 минг 79 маҳалласида биронта ҳам жиноят содир этилмади. Ҳоразмда "Жамоатчилик назорат масканлари" йўлга қўйилгани эвазига мавжуд маҳаллалардан 25 фоизи, Наманган шаҳри Оруз маҳалласидаги ижобий тажрибадан самарали фойда-ланилиши натижасида вилоятнинг 20 фоиз маҳалласи жиноятдан холи худудга айлантирилишига эришилди. Албатта, бу барчамизни қувонтиради.

Шунга қарамай, жиноятчилик стати-стикаси олиб борилаётган ишлар давр талабларига жавоб бермаслигини кўрсатмоқда. Амалга оширилган комп-лекс ислохотларга қарамай, айрим раҳ-бар ходимлар томонидан унинг маз-

мун-моҳиятини тўлиқ тушунамаслик, ўзига тўғри хулоса чиқармаслик ҳолат-лари, қисқача айтганда, ҳануз эски қолип асосида иш олиб борилаётгани ўрганишларда аниқланмоқда. Бу жара-нда биз, сенаторларга ҳам катта масъулият юкланади. Халқ депутатла-ри маҳаллий Кенгашларининг ролини янада ошириш зарур. Авваламбор, эн-дигидек ҳар чоракда маҳаллий Кенгаш-лар сессияларида ички ишлар бўлим, бошқарма бошлиқларининг ҳамда ҳар ойда улар ўринбосарларининг, шунинг-дек, жойларда фаолият юритаётган секторлар раҳбарларининг ҳисоботла-ри танқидий нуқтаи назардан муҳока-ма қилинишини таъминлашга эътибор-ни кучайтиришимиз зарур.

#### Зайнаб БЕРДИЕВА, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманидаги 20-умумтаълим мактаби директори, сенатор:

— Жорий йилда қўшни мамлакатлар билан муносабатларда, таъбир жоиз бўлса, тарихий бурилиш ясалди, қардош халқлар билан алоқалар кен-гайиб, Марказий Осиёда мутлақо янги сийёсий муҳит қоралди. Давлат чегараларини делимитация ва демар-кациялаш, сув-энергетика муаммола-рини тартибга солиш бўйича музока-ралар жараёни сезиларли даражада фаоллашди.

Гарбининг етакчи мамлакатлари, жум-ладан, АҚШ ҳамда Европа иттифоқи давлатлари билан ўзаро фойдали ва тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатиш борасида мутлақо янги имкониятлар очилди. Ўзбекистоннинг Афғонистон

иқтисодиётини тиклаш ҳамда мамла-катдаги низоми сийёсий йўл билан ҳал қилиш жараёнига таъсир ортиди. Ташки сийёсат хорижий мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ва инвестиция-вий ҳамкорлик, туризмни ривожланти-ришга оид муайян вазифаларга ечим топишга қаратилди. Чегарадош худуд-лар ўртасидаги алоқаларни ривожлан-тиришга алоҳида эътибор берилди.

Умуман, олий даражадаги 20 дан ортқ ташрифлар доирасида муҳим ке-лишувларга эришилди, 60 миллион АҚШ доллар миқдоридида 400 га яқин битимлар имзоланди. Давлатимиз раҳбарининг Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатлари, Жанубий Кореяга ташрифи, айниқса, самарали бўлди. Икки томон-лама келишувларни сўзсиз бажариш мақсадида сийёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ҳамда мада-ний-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича 36 та "йўл харитаси" тасдиқланди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳара-катлар стратегияси доирасида амалга оширилган бу каби ишлар мамлакатим-из миллий манфаатларига жавоб бе-ради. Бу йўналишда ҳали ишга солин-маган улкан салоҳият бор. Шу муноса-бат билан шартномаларни, халқаро конвенцияларни ўз вақтида ратифика-ция қилиш, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиш вазифаси кун тар-тибига қўйилмоқда.

Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.



## Давлат тест маркази: СИНОВЛАР ЎН БЕШ КУН ЎТКАЗИЛАДИ, ЖАВОБЛАР БИР КУНДА ЧИҚАДИ

Бугунги кунда таълим соҳасини ривожлантириш, рақобатбардош, юксак маънавиятли, салоҳиятли ва билимдон мутахассисларни тайёрлаш долзарб вазифалардан биридир. Шу боис олий ўқув юрти муассасаларига қабул жараёнини ҳаққоний, шаффоф, адолатли ўтказиш ҳамда юксак билимга эга, пухта тайёргарлик кўрган ўқувчиларни саралаб олиш мақсадида, хусусан, тест синовлари тартиби тубдан янгиланиб бормоқда.

### ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Маълумки, олий таълим муассасаларига ҳужжат топширадиган абитуриентлар сони йил сайин ошяпти. Шундай бўлса, эҳтиёжга мос равишда бинолар ва аудиториялар, жалб этиладиган назоратчилар миқдори ҳам кўпайиши, табиий.

Абитуриентларни тест синовини топшириш тили ва таълим йўналиши кесимида жойлаштириб чиқиш учун бинолар ва аудиторияларни тайёрлаш, жараённинг адолатли ўтказилиши учун назоратчи сифатида жалб қилинаётган кўп сонли педагог ходимлар билан ишларни ташкил этишга жуда катта куч ва вақт сарфланади. Тест синовларини ўтказиш бир кунда белгиланганлиги ўз вақтида сифатли тайёргарлик кўриш ва камчиликларсиз ўтказиш ишларини янада қийинлаштириб юборади. Натижаларнинг 15—17 кундан кейин эълон қилиниши, Давлат тест марказидаги мавжуд техник жиҳозларнинг ҳам маънан, ҳам техник жиҳатдан эскирганлиги ҳамда замонавий технология ва тезкорлик талабларига жавоб бермай қўйганлигини ҳисобга олсақ, қандай камчиликлар юзага келганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Поёнига етаётган йил мисолида кўрганимизда, 729 минг нафардан зиёд абитуриентлар олий таълим муассасаларида ўқиш истагини билдирди, тест синовларини ўтказиш учун 1080 тадан кўп бинолар ва 22 мингдан ортиқ аудиториялар керак бўлди. Тошкент шаҳрида жойлашган

олий таълим муассасалари учун талаб даражасидаги биноларни топши, тайёрлаш ишлари осон эмас. Энди мулоҳаза қилиб кўрайлик: пойтахтдаки вазият шундай экан, вилоятларда ишлар қандай кечади? Биргина Сурхондарё вилоятида 36 мингдан зиёд абитуриентларни жойлаштириш учун Термиз шаҳридаги барча мактаб, коллеж, академик лицейлар бинолари ва талабга жавоб берадиган бошқа бинолар қамраб олинди. Лекин уларнинг қуввати етарли бўлмаганлигидан бир неча туманлардан қўшимча бинолар ишларни ташкил этишга жуда катта куч ва вақт сарфланади. Тест синовларини ўтказиш бир кунда белгиланганлиги ўз вақтида сифатли тайёргарлик кўриш ва камчиликларсиз ўтказиш ишларини янада қийинлаштириб юборади. Натижаларнинг 15—17 кундан кейин эълон қилиниши, Давлат тест марказидаги мавжуд техник жиҳозларнинг ҳам маънан, ҳам техник жиҳатдан эскирганлиги ҳамда замонавий технология ва тезкорлик талабларига жавоб бермай қўйганлигини ҳисобга олсақ, қандай камчиликлар юзага келганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Поёнига етаётган йил мисолида кўрганимизда, 729 минг нафардан зиёд абитуриентлар олий таълим муассасаларида ўқиш истагини билдирди, тест синовларини ўтказиш учун 1080 тадан кўп бинолар ва 22 мингдан ортиқ аудиториялар керак бўлди. Тошкент шаҳрида жойлашган

ни, шаффофлики таъминлашга қаратилгани билан ўта муҳимдир. Шу тариха эндиликда олий таълим муассасаларига фақат билимли, иқтидорли ва муносиб ёшларни қабул қилиш учун замин яратилди. Қарорда белгилангандек, тест синовларининг 15 кун давомида ўтказилиши юзага келадиган сансалорлик, ўзибўларчилик, сифатсиз тайёргарлик кўришга барҳам беради.

Бундан буён мазкур қарор талабларига мувофиқ, тест синовлари 1 августдан 15 августга қадар ўтказилади. Бу тест синовларига сифатли ва муддатда тайёргарлик кўриш доирасида жиддий иш олиб бориш учун катта имконият яратилди, аввалги босимдан халос қилади. Шунингдек, кириш тест синовлари натижалари тест синовини ўтказилган кўннинг эртасигаёқ Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилинади. Бу ҳам жамоатчилик орасида салбий нукта назарларнинг юзага келишига, ҳар хил эътирозларга ҳолат қолдирмайди.

Тест синовлари Тошкент шаҳрида "Ўзэкспомарказ" Миллий кўргазмалар мажмуаси павильонларида, унга ёндош қўшимча йиғма павильонларда, катта сизимдаги биноларда, вилоятларда Олимпия захиралари коллежлари ёки бошқа ташкилотларга тегишли сизими катта биноларда ўтказилади. Ушбу тартиб абитуриентларнинг тест синовини ўтказиладиган ўта тарқоқ жойлашган биноларни топиб бориши, узоқ кўтиши, аудиторияларда назоратнинг издан чиқиши ва турли қўнунбузарликлар содир этилиши каби ҳолатларга барҳам беради.

Янги ўқув йилидан бошлаб алоҳида иқтидор талаб этиладиган маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, мусиқий таълим, санъатшунослик, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларида тест синовлари бўлмайди. Масалан, бундан буён Ўзбекистон

давлат консерваторияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти ва алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишларида фақат ижодий имтиҳонлар орқали қабул қилиш йўлга қўйилади.

Тест синовини ўтказиладиган биноларга абитуриентларни шахсни идентификациялаш воситалари, видеофиксация қурilmалари, металлотекторлар орқали киритилиши, жараённи ёритиш учун мониторлар ўрнатилиши белгиланди. Шунингдек, абитуриентларнинг ота-оналари учун тест синовларини видеокузатув орқали онлайн режимида кузатиб бориш имкониятлари яратилди. Буларнинг барчаси тест синовларини шаффоф ҳолда ўтказиш, адолатлилик, ошкораликни таъминлашнинг муҳим тарихий қисми бўлиб, абитуриентлар, ота-оналар, умуман, жамоатчилик хоҳиши, талабининг рўёбга чиққанлигини англатади.

Бундай муҳим ўзгариш ва янгиликлардан Давлат тест марказининг ўзи ҳам четда қолмайди. Аввало, марказ ходимларининг сони 150 нафар бўлган янгилашган тузилма қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Бундан буёғига аввалги йиллардаги каби минглаб бино, қават ва аудитория назоратчиларини жалб қилишга эҳтиёж қолмайди, эндиликда сони сезиларли даражада кам, лекин етарли миқдорда назоратчилар иштирок этади. Шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан фан экспертлари рўйхатининг шакллантирилиши, улар билан Давлат тест марказида мавсум давомида махсус ёпиқ режимида ишлаш амалиётидан воз кечилди — улар учун штат ажратилди. Эндиликда фан экспертлари Давлат тест марказининг доимий ходимлари бўлади, олдинги йиллардагидек,

уларни тест синовлари ўтиб бўлганидан кейин зарур пайтларда қидириб юрмаймиз, балки фан экспертлари ҳар қандай ҳолат ва вақтда тайёр турадилар.

Кейинги ўзгариш, бу — Давлат тест марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, хорижий давлатларнинг ўқув ва илмий муассасаларида Давлат тест маркази ходимларининг малакасини ошириш, рағбатлантириш билан боғлиқ Давлат тест маркази фаолиятини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинганлигидир. Бу ҳам жуда муҳим ўзгаришлардан бири бўлиб, авваллари яхши фаолият олиб бориш учун бунақа кенг имконият йўқ эди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, айна пайтда Давлат тест маркази томонидан қарорда вазифа юклатилган вазирилик ва идоралар, Қоракантон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Биринчи навбатда, Тошкент шаҳрида ва вилоят марказларида кўп ўринга эга катта қувватли биноларни топши, ўрганиш, дислокация ҳужжатларини тайёрлаш, қарордан келиб чиққан ҳолда, тест синовларини 15 кун мобайнида ўтказиш, натижаларни эртаси кунга веб-сайтида эълон қилиш, тест синовини иштирокчиларининг, ҳоқ у ходим бўладими, ҳоқ гуруҳ назоратчиси ёки абитуриенти, масъулияти ва жавобгарлиги бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқиш устида иш олиб боришмоқда. Қисқаси, олдимизга қўйилган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида сифатли бажарсақ, абитуриентларимиз учун янада кенг имкониятлар очилади, асоссиз тахминларга нукта қўйилади.

Мажид КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Давлат тест маркази директори.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### Qishloq Qurilish Bank

КОРХОНАЛАР  
ВА ТАШКИЛОТЛАР  
РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Қишлоқ  
қурилиш банк» АТБ

банк фаолиятига доир видеороликлар, аудиороликларни телеканалларга, радиоканалларга, темир йўл поездларига, Тошкент метрополитени бекатларига ҳамда реклама баннерлари ва мақолаларни республикадаги энг оммавий янгиликлар веб-сайтларига жойлаштириш бўйича реклама хизматлари билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.

Танловга тижорат таклифлари  
2017 йил 27 декабрь кунини  
соат 17.00 гача қабул қилинади.

Танлов шартлари ҳақида батафсил маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:  
100011, Тошкент шаҳри,  
Навобий кўчаси, 18-«А» уй.  
Телефонлар: (0-371) 150-72-63, 150-45-34.  
www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

**TURON BANK**

«Туронбанк» АТБ жамоаси  
жонажон халқимизни кириб келаётган  
Янги ~ 2018 йил  
билан самимий муборакбод этади!

Юртимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида  
амалга ошираётган эзгу ишларига  
улкан зафарлар тилайди.  
Азиз юртдошлар, тинчлик-хотиржамлик  
ва саодатли кунлар  
ҳеч қачон тарк этмасин!

Call Center: (+99895) 144-60-00.  
www.turonbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

**REAL HOUSE**  
SINCE 2015

жамоаси  
Ўзбекистон аҳлини  
яқинлашиб келаётган  
**2018 йил билан**  
чин дилдан табриклайди!

Янги йил барчамизнинг  
хонадонимизга тинчлик-  
хотиржамлик, меҳру муҳаббат,  
қут-барака олиб келсин!  
Сизларга мустаҳкам соғлиқ, омад  
ва фаровонлик тилаймиз!

Бизнинг жамоа сиз ва келгуси  
авлодларингиз учун муҳташам бинолар  
қуриб беради.

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 73 542 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанимизнинг маълумотларини кўриб олиш учун 01-қадри телефонингизни орали сканер қилинг.

#### ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;  
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган қўғилмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.  
Газетанимизнинг эълонлари берилиши учун обунали расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида тералди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан сарфланади.  
Газетанимиз полиграфия жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.  
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.  
Навбатчи — Р. Шеркулов.  
Мусаввир — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонаси, Корхона манзили:  
«Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.43 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 6

### Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонуқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва  
Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси